Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 183 (6.074) ◉ 1986 йил 11 август, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ

Илҳомбахш меҳнатимиз— ўн иккинчи беш йилликка

ИНДУСТРИЯ ВА «МЕЛОДИЯ»

Тошкент грампластинкалар заводининг катта дисклари тузукроқ овоз бера бошлаганлигини музика шинавандалари дарров пайқадилар. Янги пресс автоматларни жорий этиш натижасида шунга эришилди.

Ҳар 23 секундда станок ёнига биттадан янги пластинка тахланиб турибди. Уч нафар созловчи слесарь еттита автомат ишини кузатиб, қабул бункерига вақти-вақти билан хом ашё-пластмасса ғўлачаларини ташлаб турибди. Беш йиллик охиригача бундай машиналар элликтага етади.

Автоматлар ёнида турган прессларга сира ҳам эскига ўхшамайди! Прессларнинг ҳар бири 15 йилдан кўпроқ ишлади. Битта станок ёнида битта прессловчи ишчи туриши керак эди.

Заводда бошланган тубдан реконструкциялаш ишлари 1990 йилга бориб битиши керак. У ҳамма ишлаб чиқариш цикларини, заводнинг барча хизматларини ўз ичига олади. Дастлабки қадамлар қўйилди. «Планета» деган офсет машина жуда яхши конвертлар босиб чиқармоқда. Гальваника цехида ёзилган товуш оригиналлари — матрицаларни кўпайтирадиган қурилма ишга солинди.

Электрон техника цехларга тобора дадил кириб бормоқда. ГДР, Швеция, Англиядан харид этилган машина-ускуналар ёнида Ленинград «Полиграфмаш» заводида тайёрланган энг янги фотосурат терувчи комплекс турибди.

Лекин кўпгина бўлимларда қўл меҳнати ҳозирча устун турибди. Коллектив олдига эса катта вазифалар қўйилган. Завод ўз маҳсулотини жуда катта регионга: Урта Осиё, Урал, Сибирга юборади...

Яхши пластинкага қўйиладиган талаблар кўп: товуши ғоятда сифатли, механик нуқсонсиз бўлиши, ташқи кўринишни чиройли чиқиши керак. Москваликлар — «Мелодия» фирмасининг мутахассислари ҳам, завод инженерлари ҳам мана шулар устида ишламоқдалар. Бу ерда масалан, ҳозир пластинкалар учун кўркам этикеткалар тайёрланмоқда.

Заводни янгилаш, талабларни тўлароқ қондиришга имкон беради. Ҳозир завод бир йилда 21 миллионта пластинка тайёрлаб чиқармоқда. 1990 йилга борганда эса атиги 19 миллионта пластинка тайёрланади. Шундай бўлсада, харидор пластинкалар... кўпайиб қолганлигини сезади. Гап шундаки, янги техника катта форматдаги дисклар тайёрлашни кўпайтиришга имкон берди. «Миньон» деб аталувчи митти пластинкалар тайёрлаш қисқариб боради ва беш йил ичида икки баравар камаяди. Чунки «Миньон»ларга талаб йўқ, омборлар ва магазинларнинг пештахталарида қалашиб кетган. Лекин катта пластинкалар етишмайди. Шунинг учун ҳам улар йилига бугунги кундаги 9,5 миллион ўрнига 13 миллиондан чиқарилиб туради. Бунинг ҳаммаси: заводга ҳам, савдога ҳам, харидорларга ҳам нафи бор.

Цехларда ўрнатилажак машина-ускуналар рақам принципиал янги ихчам дисклар ишлаб чиқара бошлашга имкон беради. Бу дисклардан товушдан ташқари келгуси видеоаппаратлар учун тасвир ҳам акс эттирилади.

Мурожаатномага жавобан

Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси коллективи КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан руҳланиб, социалистик мусобақани тобора қизитиб меҳнат қилмоқда. Узаро мусобақада Р. Кабирова бошчилик қилаётган бригада коллективи пешқадамлик қилмоқда. Бу цехда асосан ўқувчилар учун пионер галстуклари ишлаб чиқарилади. Бригада аъзолари ҳамиша ойлик план топшириқларини ортиғи билан адо этиб, корхона муваффақиятига самарали улуш қўшиб келмоқдалар. Коллектив июль ойи планини ҳам муддатидан илгари адо этди. Бу ерда пландаги 600 минг дона ўрнига 814 минг дона галстук ишлаб чиқарилди. Ғолиб бригада аъзоларн шу кунларда учинчи квартал план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани янада қизитиб меҳнат қилмоқдалар.

Корхонанинг З. Кутепова бошчилик қилаётган бригадаси ҳам пешқадамлар сафида бормоқда. Бригада 32 кишидан ташкил топган. Унинг М. Самиғова, М. Ҳакимова сингари пешқадамлари смена топшириқларини бир ярим икки ҳиссага етказиб адо этишмоқда. Ишни конвейер усулида ташкил этган коллектив кунига 2,5 минг турли қўғирчоқлар тайёрлаб бермоқда.

Корхонада йилига 12 миллион 500 минг сўмлик болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарилади. 160 ассортиментдан иборат бўлган бу ўйинчоқлар Ипподромнинг 300 дан ортиқ шаҳарларига етказиб берилади.

Фабрика ишчилари Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги байрамини ҳам меҳнатда муносиб совғаларини қўлга киритган ҳолда кутиб олишга аҳд қилишди.

Вьетнам учун комбайнлар

Республика давлат агросаноат комитетининг Тошкентдаги тажриба ремонт-механика заводи ишчилари фахрли буюртмани муддатидан илгари адо этдилар. Улар Вьетнам Социалистик Республикасига жўнатиш учун каноп йиғиштирадиган КУ—0,2 маркали иккита комбайнни тахт қилиб қўйдилар.

Коммунистлар узелларни тайёрлаш, тажриба нусхаларини йиғиш ишларини ўз назорати остига олдилар. Энг мураккаб ишлар Владимир Лигай бошчилигидаги токарлар ва Иван Климов бошчилигидаги йиғувчиларнинг бригадаларига топширилди. Техника контроли бўлимининг ҳулосасига кўра, машиналар энг юксак талабларга мос келади.

Тошкент тажриба ремонт-механика заводи трактор двигателларини капитал ремонт қилиш, уларнинг узеллари ва деталларини тиклашга ихтисослаштирилмоқда. Эндиликда бункерда каноп йиғиштирувчи комбайнлар конвейерга қўйилган. Бу комбайнлар тежамли, фойдаланишда осон ва қулайдир. Шу беш йилликда КУ—0,2 маркали машиналарни ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди.

Сўнгги ишлар бажарилмоқда

Илгари мактаблар қурилишида аввал қурилиш-монтаж, кейин пардозлаш, ундан кейин санитария-техника жиҳозларини ўрнатиш ишлари бажарилар эди. Бу кўпинча ишнинг чўзилиб кетишига ва айни пайтда сифатнинг паст бўлишига олиб келарди. Бу йил эса шаҳарда мактаблар қурилиши комплекс равишда олиб борилмоқда. Натижада иш унуми ортди, сифати яхшиланди. Жумладан, Собир Раҳимов районидаги Б—3 микрорайонидаги янги мактаб ана шу усулда қурилмоқда.

Бу ерда 159-қурилиш трестининг 9-қурилиш бошқармаси ишчилари объектни тезроқ топшириш учун ғайрат кўрсатиб ишлашяпти. С. Раҳимов бошчилигидаги комплекс бригаданинг К. Ёқубов, И. Латипов, И. Юсупов ва М. Миролимов каби моҳир ишчилари кунлик топшириқни 150—160 процентга етказиб адо этмоқдалар. Пардозлаш трестининг 42-бошқармаси пардозловчилари ҳам ўз ишларини сифатли адо этишмоқда.

Мактаб ўқувчиларидан ташкил топган ҳашарчилар бригадаси қурилиш ишлари тугалланган хоналарни тозалаш ишларини бажаришмоқда. Янги мактаб 1176 ўқувчини ўз бағрига олади.

(«Тошкент оқшоми» ва ЎзТАГ мухбирлари).



«Ташэлектромаш» заводи коллективлари ўртасида бошланган социалистик мусобақада 2-йиғув цехининг Николай Кечинов бошчилик қилаётган бригада аъзолари пешқадамлик қилишмоқда. Коллектив шу кунларда мусобақани тобора авж олдириб, учинчи квартал планини бажариш арафасида турибди.

СУРАТДА: III даражали Меҳнат Шуҳрати орденн кавалерн Николай Кечинов ва илғор слесарь, коммунистик меҳнат зарбдорн Рустам Раҳмоновларни кўриб турибсиз.

Замондошимиз



— Шаҳримиз сўнгги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бирн-биридан чиройли осмонўпар бинолар, равон кўчалар, соялкин хиёбонларни кўриб кўзингиз қувнайди. Ана шу гўзалликдан андоза олиб, одамларимиз ҳам тобора гўзаллашиб бораётгандек туюлади, — дейди Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмасининг ветеран ишчиси Исмоил Ёқубов.

Ҳа, Исмоил ака гўзалликни нафақат қадрлай биладн, у ана шу гўзалликни ўз қўли билан яратади. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройини бир кўз олдингизга келтиринг. Ана шу мармар кошоналар меъморчилик санъатининг нодир намуналн бўлиб қолган. Уларни кўриб Исмоил ака қувонади. У йигирма йилдан бери мармар қирқади. Бу касб соҳиби рассом тасаввурига эга бўлиши керак. Чунки, мармар харсангларни қирқишда энг рационал йўлни танлаш билан бирга унинг бетакрор гулини ҳам кўрсатиб бериш лозим. Исмоил ака Ёқубов ана шундай усталардан бирн. Унинг қўлидан чиққан мармар кошинлар табиий жилваларн билан рассом полотносини эслатади.

Исмоил ака Ёқубов номини бирлашмада ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У III даражали Меҳнат Шуҳрати орденининг кавалери, ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар социалистик мусобақаси ғолиби. Шу кунларда 1987 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан илҳомланиб, меҳнат унумдорлигини оширишнинг янгидан-янги резервларини изламоқда.

СУРАТДА И. ЁҚУБОВ.

МАСЪУЛИЯТ ВА ИШЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида бўлиб ўтган кенгашда соғлиқни сақлашдек муҳим социал соҳадаги аҳволни тубдан яхшилашнинг ҳозирги ва истиқболдаги вазифалари кўриб чиқилди. Унда партия ва совет ходимлари, шаҳар саноат корхоналари, қурилишлари, медицина муассасаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин КПСС XXVII съезди қарорлари асосида аҳоли соғлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, Тошкент соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларига партия раҳбарлигини кучайтириш вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Шаҳарда аҳолига малакали медицина хизмати кўрсатиш соҳасида жиддий камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Ихтисослашган хизматлар суст ривожланмоқда, касалхоналардаги ўринларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилмаяпти. Юқумли касалликларга қарши кураш, диспансерлаш, тез медицина ёрдами, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш масалалари ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Соғлиқни сақлаш объектларининг қурилиши қониқарсиз олиб борилаётгани ҳам таъкидланди. Шу сабабли мавжуд биринчи бўғин муассасалари, стационарлар тўла типовой бинолларга жойлашмаган. Соғлиқни сақлаш объектларини бунёд этаётган «Главташкентстрой» эса ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағларни тўла ўзлаштирмаяпти.

Корхоналар медицина-санитария қисмларини ривожлантириш, мактаб ошхоналарини санитария-техника жиҳозлари билан таъминлаш, шаҳар санитария аҳволини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли санитария маданиятини янада ошириш, атеистик пропаганда масалаларн ҳам кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Кенгашда ана шу вазифаларнинг бажарилиши медицина муассасаларига партия раҳбарлиги савиясини оширишни, кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаш ишларини кучайтиришни, соғлиқни сақлаш бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини оширишни, барча медицина ходимлари ижодий активлигини оширишни, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиш учун ишни қайта қуришни тақозо этади, деб таъкидланди.

Об-ҳаво ва саломатлик

Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. Мажидов таҳрири остида.

Шу ҳафта об-ҳавоси

Шу ҳафтада салқин кунлардан сўнг ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиши кутилади. Кечаси 18—23, кундузи 33—38 даража иссиқ бўлади. Ҳафта охирига бориб ҳарорат пасайиши мумкин. Ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан 5—10 метр тезликда шамол эсади. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати нормадагидан юқорироқ бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медицина метеорологик маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра ҳаво ҳарорати ва атмосфера босимидаги кутилаётган ўзгаришлар ҳафтанинг аксарият кунлари одатдаги кунлик динамикасини сақлаб қолади, иқлим нормасидан оз фарқ қилади. Бундай об-ҳаво шароитида аксарият беморларда метеопатик реакцияларнинг кучайиши эҳтимолдан йироқ. Аммо ҳафта ўртасида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, атмосфера босимининг пасайиши ва ҳавода кислороднинг камайиши юрак ва мия қон томири ҳасталанган беморларнинг аҳволига таъсир этиши мумкин.

Профилактика мақсадида ана шу группага оид беморларга даволовчи врач билан келишиб, нафас олиш машқларини бажариш, бирмунча совитилган сувда чўмилиш ва юрак-қон томир фаолиятига ижобий таъсир этувчи дорилармонларни қабул қилиш тавсия этилади. Шунингдек, очиқ ҳавода, салқинда кўпроқ юриш, асабийлашмаслик, ҳаддан зиёд ақлий ва жисмоний меҳнат қилмаслик, ухлаш, меҳнат қилиш ва дам олиш режимига риоя қилиш, тузи кам, сервитамин маҳсулотларни истеъмол қилиш керак.

Чеварлар ёрдам беришмоқда

Шаҳримиздаги 22-ўрта ҳунар-техника билим юртида ўқувчилар моделлар уйи очилди. Бунда базавий корхона сифатида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси оталиқ ёрдамн берди.

Моделлар уйида бўлажак чеварлар тикувчиликнинг ўн-лар билан тақдирлади.

дан ортиқ операцияси билан машғул бўлмоқдалар. Улар моҳир тикувчи Л. Матхонова бошчилигида қатор янги моделларни яратдилар. Уларнинг айримлари Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари выставкасига тақдим этилган эди. Республикамиз бош кўргазмаси уларнинг авторларини фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади.

«Ўрок ва Болға» иттифоқига садоқат

Ҳамшаҳарларимиз миннатдор

Езнинг аёвсиз пишиқчилик пallаси. Улкамизда бири-биридан ширин қовун-тарвузлар, шафтоли, нок, узум, олмалар ғарқ пишган палла. Дала меҳнаткашларн етиштирилган ана шу ноз-неъматларни шаҳарликлар дастурхонига пешма-пеш етказиб беришмоқда.

Республикамиз пойтахтига жанубий-Ғарбий зонадан — Жиззах, Сирдарё ва бошқа областлардан кириб келинадиган ўлда сабзавот, полиз ва мева ортилган юк машиналарининг охири кўринмайди. Машиналар тепасига «Республика пойтахти аҳолисига — Боёвут районн меҳнаткашларидан», «Тошкентликлар, совғамизни қабул қилинг», «Дала меҳнаткашлари — шаҳарликларга» деган шиорлар ёзилган.

Ўтган шанба кунн Сирдарё областининг Боёвут районидан 100 тонна, Ильич районидан 300 тонна, «Меҳнатобод» районидан 200 тонна, жами 850 тонна маҳсулот келтирилди.

Якшанба кунн эса Жиззах областидан келтирилган 1100 тонна маҳсулот Тошкент савдо шохобчаларига тарқатилди. Дала неъматларининг кўпини Мирзачўл, Октябрь, Пахтакор районларининг азаматлари тортиқ қилишди. Улар 300—350 тоннадан ширин-шакар қовун-тарвузлар, сабзавот ва мевалар тайёрлаб жўнатишди.

— Республикамиз пойтахти аҳолисн ҳар иккала область дала меҳнаткашларидан миннатдор, — дейди Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери И. Раҳматуллаев. — Биз, ишчилар, дала неъматларининг шаҳарликларга узлуксиз етказиб турилишн тарафдормиз. Бу «Ўрок ва Болға» иттифоқига садоқатнн яна бир бор намойиш этади.

СУРАТЛАРДА: Сирдарё ва Жиззах областн далаларида етиштирилган ноз-неъматлар карвонн; қовун-тарвузлар савдоси.

Т. Каримов фотолари.

Қардошлик қонунига биноан

Мададкорлар

«Узспецводдренаж» трестининг энг илғор вакиллари Чернобиль районига жўнаб кетдилар. Улар Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг группаси таркибида атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатишда қатнашадилар.

Бурғиловчи катта мастер Ҳаким Султонов бошчилик қилаётган бригада ўзига хосдир. Унда оилавий сулолалар меҳнат қилишади. Шулардан бири Сорокинлар сулоласидир. Оила бошлиғи Игорь Иванович — коммунист, бурғилаш қурилмасининг мотористн. У тажрибали ишчи ва мураббий ҳисобланади. Унинг ўғли Константин эса комсомол аъзоси. Бундан олти йил муқаддам меҳнат фаолиятини ана шу колоннада бошлаган эдн. Ҳозирда эса малакали бурғиловчн. Улар Чернобилдаги фалокат оқибатларини тугатишда ёрдам берамиз, деб биринчилар қатори аризя беришганди.

Бурғиловчилар барча топшириқларни қисқа муддатда ва юқорн сифатли бажариш юзасидан мажбурият қабул қилдилар.

Бузилмас дўстлик намунаси

Пойтахтимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган Афгонистон Демократик Республикасининг йигит ва қизлари интернационал бурчга садоқат намунасини намойиш қилдилар. Улар ўзларининг стипендияларидан 280 сўм тўплаб 904-счётга ўтказдилар. Медицина институти студенти Нур Тош, Политехника институти студенти Воҳид, Тўқимачилик ва енгил саноат институти студенти Аҳмад Шоҳ, Автомобиль транспорти ва йўлларинститути студенти Амруддин шулар жумласидандир.

ФУТБОЛ. БИРИНЧИ ЛИГА

Сафарда дуранг

Биринчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг 27 тур ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси бу турда Москвада маҳаллий «Локомотив» командаси билан учрашди. Кескин кураш остида ўтган матчда ҳисоб очилмади.

Навбатдаги тур ўйинини ҳам тошкентлик футболчилар сафарда ўтказадилар. Эртага улар Воронежда маҳаллий «Факел» командасига қарши майдонга тушишади.

27-турнинг қолган матчларида қўйидаги натижалар қайд этилди: АСК (Хб) — «Ротор» — 4:0, «Искра» — «Гурия» —1:0, «Шинник» — «Спартак» —2:2, «Колтайк» — «Нистру» —2:1, «Динамо» (Бт) — «Карпати» АСК —1:0, «Факел» — «Помир» —2:0, «Кубань» — «Даугава» — 1:2, АСК (Р) — «Атлантас» —2:1, «Металлург» — «Динамо» (Ст) — 1:4, «Колос» — «Ростсельмаш» — 1:1.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ТИКУВЧИЛАР ВА ПОЙАФЗАЛЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

«Тошкент оқшоми»—«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳар маҳаллий саноатининг йирик корхоналаридандир. У Тошкент шаҳрининг Бешқайрағоч массивида жойлашган. Корхонадаги ишчи ва инженер-техник ходимларнинг асосий қисмини маҳаллий ҳотин-қизлар ташкил этади.

Яқинда «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг вакиллари «Тошкент оқшоми» редакцияси меҳмони бўлдилар. Меҳмонлар орасида бирлашма бош директори А. Каримов, партия ташкилоти секретари М. Муродова, касаба союз комитети раиси А. Имомназарова, бирлашманинг илғор тикувчиси, Акмал Икромов район Советининг депутати А. Жўраева бор эди. Улар журналистларга КПСС XXVII съезди қарорларида ва КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида саноатчилар олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш бўйича амалга ошираётган ишлар тўғрисида гапириб бердилар.

Журналистлар эса КПСС XXVII съезди қарорларини пропаганда қилиш бўйича ижодий режаларини сўзлаб бердилар. Меҳмонларни редакция ишини ташкил этишлиш билан таништирдилар. Бир пиёла чой устидаги дўстона учрашув чеварлар коллективи билан редакция коллективи ўртасида ижодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш билан якунланди.

Мазкур шартнома ҳар икки коллективда ҳам ғоявий-сиёсий ишларни кучайтиришни, журналистлар ва тикувчилар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришни, КПСС XXVII съездида меҳнат коллективлари ва ижодий ташкилотлар олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда ўзаро кўмаклашишни назарда тутади. «Тошкент оқшоми» редакцияси коллективи ҳам, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам ўз зиммасига бир қатор мажбуриятлар олдилар. Шунга биноан икки коллектив доимий дўстона алоқаларни йўлга қўяди. Жумладан, редакция коллективи бирлашма цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, унинг реконструкция қилинаётган объектларида ишлаб чиқаришдаги графикларнинг бажарилишини бу ерда тузилган мухбирлар постн аъзоларн ёрдамида назорат қилиб туради. Бирлашмада «Тошкент оқшоми» редакцияси коллективи билан газетхонлар конференциялари ўтказиб турилади. Журналистлар бирлашма жамоат ташкилотларига «КПСС XXVII съезди қарорларн — ҳаётга» шнори остидаги социалистик мусобақани ташкил этишда ёрдам берадилар. «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида «Редакция оталиғидаги корхонада» рубрикаси очилиб, бирлашма ҳаётига онд янгиликлар ёритиб борилади.

Уз навбатида «Чевар»ликлар ҳам редакция коллективи билан ҳамкорликни ривожлантиришн бўйича бир қатор тадбирларни режалаштиришяпти. Жумладан, бирлашмада «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси бурчаги, газеталар витринаси ташкил этилади. Бирлашма фаолиятини газета саҳифаларида энг яхши ёритган ишчи мухбирларга мукофотлар таъсис этилади.

Бирлашма халқ назоратчилари корхонага туташ маҳаллалардаги газета-журнал киосклари фаолиятини, уларда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг савдоси намунали ташкил этилишини назорат қилиб борадилар.

«Вечерний Ташкент» — Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси

Ф. Хўжаев номидаги 1-пойафзал фабрикаси ишчилари «Тошкент оқшоми» редакцияси меҳмони бўлишди. Уларнинг «Оқшом»га келишларининг боиси бор эди. Шаҳар газетаси журналистлари ва пойафзалчилар ишлаб чиқариш коллективи ўртасида ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.

«Тошкент оқшоми» газета редакцияси журналистлари пойафзалчиларга матбуот ва оммавий ташкилий ишлар воситасида ишлаб чиқариш коллективи олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиш мажбуриятини олишди. Меҳнат зарбдорларининг илғор тажрибаси тўғрисида, «КПСС XXVII съездн қарорлари — ҳаётга!», «Беш йилликка — зарбдор суръат ва сифат» шнорлари остида социалистик мусобақани ташкил этиш тажрибаси ҳақида мунтазам материаллар бериб туришга қарор қилинди. «Редакция оталиғидаги корхонада», «Меҳнат коллективи ҳаёти» рубрикалари остида зарбдор вахтанинг боришн тўғрисида, ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш планларини амалга оширнш, фан ва техника янгиликларини жорий этиш, пойафзалчилар коллективининг ишлаб чиқариш, соцнал масалаларни ҳал этишн тўғрисида материаллар бериб борнладн.

«Обувьшчик» кўп нусхалн газетаси редакцияси қошида доимий ҳаракатдаги ишчи мухбирлар постн ташкил этилади. Меҳнат беллашувида ғолиб чиққан ишлаб чиқариш бригадалари учун «Тошкент оқшоми»нинг кўчма вимпели тавсия этилади, мусобақа ҳар кварталда якун ясалади.

Шартномада қуйидаги банд ҳам бор. «Оқшом»нинг редакцияси ижодий коллективи партия, касаба союз, комсомол ва депутатлар активи билан, инженерлик состави билан, ишлаб чиқариш илғорлари билан, пойафзал фабрикасининг ишчилари билан учрашувлар ташкил этади, матбуотда уларнинг тажрибасини таҳлил қиладн.

Учрашувда қатнашган фабрика директори вазифасини бажарувчи С. Землянский, партия комитети секретарининг ўринбосари Г. Ким, касаба союз комитети раиснинг ўринбосари Л. Михеева, комсомол комитети секретари А. Эргашев, экспериментал цех ишчиси, фабрика партия комитети аъзоси Л. Синцова, Тошкентнинг тажрибали журналистлари, адабиёт ва санъат арбобларининг пойафзалчилар билан учрашувини ташкил этишда ёрдам беришни илтимос қилишди. Газеталарнинг чиқиш жараёни билан танишиш мақсадида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти босмахонасига экскурсия ташкил этишни таклиф этишди. Бу истаклар ҳам шартнома бандларидан бирини ташкил этди.

Уз навбатида пойафзалчилар ўн иккинчи беш йилликда фан-техника тараққиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, юксак сифатли буюмлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш, ҳар бир иш жойида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш мажбуриятини олдилар.

Фабриканинг асосий цехларида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бурчаги, пойафзалчиларнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги материаллар илинган витрина ташкил этиш белгиланди. Айни вақтда газета редакциясида ҳам «Оталиқдаги 1-пойафзал фабрикаси коллективининг ҳаётн ва фаолияти» деган махсус стенд жиҳозланади.

Партия турмуши: съезд белгилаган йўлдан

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

КПСС XXVII съезди қарорларини изчил амалга ошириш учун бошланғич партия ташкилотларида қўпгина ишлар амалга оширилмоқда, съездан кейинги ўтган қисқа давр ичида қилинган ишлар ишчанлик ва синчковлик билан таҳлил этилаяпти, тўпланган дастлабки тажрибалар умумлаштирилиб, мавжуд камчилик ва нуқсонлар очиб ташланаяпти, келгусидаги вазифалар аниқ белгилаб олинмоқда. Пойтахт бошланғич партия ташкилотларининг кўпгина цех партия ташкилотлари ва партия группалари съезддан кейин ўтаётган биринчи ҳисобот-сайлов йиғилишига пухта тайёргарлик кўрдилар.

Қуйида мухбиримизнинг В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи партия комитетининг секретари Ўринбой Раҳимович Худойберганов билан ана шу борада қилинаётган ишлар ва келгусидаги режалар тўғрисидаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Шаҳар партия ташкилоти активининг яқинда КПСС Марказий Комитетининг 1986 йилги Пленуми якунлари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифаларига бағишланган йиғилишида ҳозирги долзарб вазифалар жуда конкрет белгилаб берилди. Июнь Пленуми материалларини, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини барча совет кишилари қатори заводимиз ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ҳам қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳақиқатан ҳам бу ҳужжатлар ҳар биримизни партия XXVII съездидан кейинги фаолиятимиз дастлабки натижаларини жуда юксак масъулият ва ҳолисона мезон билан баҳолашга, олдимизда турган вазифаларни ҳал этишнинг йўлларини конкрет белгилаб олишга даъват этди.

Биз шундан келиб чиқиб, қилинган ишлар ҳали бир дебоча эканлигини, корхонада қайта қуриш асосида катта ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини ҳар бир коммунист, ишчи-хизматчи, инженер-техникнинг қалби ва онгига сингдираяпмиз. Ҳақиқатан ҳам ҳали эришилган баъзи бир натижалар бизга хотиржам бўлиш учун мутлақо асос бўлаолмайди. Беш йилликнинг тўнғич йилидаги муҳим вазифалардан бири ишлаб чиқариш-техника кўрсаткичларини тубдан яхшилаш, маҳсулот сифатини кўтариш, ишлаб чиқариш, технологик ва план интизомига қатъий риоя қилишдир. Корхона партия комитети бу борадаги ҳар бир ташаббусни ўз вақтида қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпти.

— Бу борада XXVII съездан кейин қуйи партия звеноларида биринчи марта ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг роли ҳақида қандай фикрдасиз?

— Шак-шубҳасиз, қуйи партия звеноларида бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари коммунистларни тарбиялаш, уларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида етакчилик ролини оширишнинг ўзига хос мактаби бўлиб қолади. Бизда бу йил бешта цех партия ташкилотида ва 48 та партия группасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтади. Қуйи партия звенолари коммунистларининг ҳаётидаги бу муҳим воқеага ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Цехлар, бригадалар, участкалар ўртасида мусобақа ҳар қачонгидан кучайди. Бизнинг асосий мақсадимиз съездан кейин қилинган ишларни ва умуман ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми ўртага қўйган юксак вазифалар ва талаблар асосида муҳокама этишга, партия ички ҳаётини янада активлаштиришга, меҳнат коллективлари ўртасидаги барча ташкилотчилик ишларини кучайтиришга, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташга, таққид ва ўз ўзини танқид ни янада авж олдиришга қаратишдан иборатдир. Навбатдаги ҳисобот-сайлов партия йиғилишларига тайёргарлик вақтида ишлаб чиқаришнинг муҳим участкаларига коммунистларнинг жойжойига қўйилиши мувофиқлиги яна бир бор таҳлил қилиб чиқилди. Қуйи меҳнат коллективларида партия группалари ишига эътибор кучайтирилди. Ҳа, биз ҳисобот-сайлов йиғилишларидан кўп нарса кутаяпмиз. Уларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ва чиқарилган амалий хулосалар келгусидаги перспектив ва жорий иш планларидан ўрин олади.

— Қайси цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бунга тайёргарлик кўнгилдагидек ўтди?

— Бажонидил айтишим мумкин. Галина Салтикова ва Абдусамад Ёқубовлар етакчилик қилаётган цех партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга раҳбарлик борасидаги фаолиятни сезиларли даражада яхшиладилар. Кўпгина резервларни аниқладилар. Улар ҳисобот-сайлов йиғилиши бошлангунча меҳнат коллективлари, мутахассислар кучғайратини ана шу резервларни ишга солишга сафарбар этдилар. Айниқса, иш вақтини йўқотишларга, иқтисод ва тежамкорликка муҳим эътиборни қаратишаяпти.

Партия группаларида ҳам жонланиш сезилди. Айниқса Нина Качурина, Карим Абдураҳмонов ва бошқалар етакчилик қилаётган партия группалари ишларига собитқадамлик, ҳар қандай масъулиятсизликка қарши қураш, активларга таяниб иш олиб бориш хос бўлиб қолди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтадиган қуйи партия звенолари ўз бурчларн съезддан кейин бошланган катта ва муҳим ишни қатъият билан олиб бориш, туб бурилиш даврида ишларни қайта қуриш, меҳнат коллективларининг ижодий ташаббусини, коммунистлар, барча ишчиларнинг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигини кучайтиришдан иборат эканлигини яхши тушуниб олдилар.

Бизда бу борада барчага намуна бўлаётган цех ва участкалар оз эмас. Масалан, Равиль Гусманович Шокиров етакчилик қилаётган цехда 30 дан зиёд коммунист фидокорона меҳнат қилмоқда. Секретарнинг ўзи ўн иккинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун астойдил бел боғлади. Унинг меҳнат ютуқлари ўз олдига қўйган юксак маррани эгаллашидан далолат бериб турибди.

— Ўтган йилги ҳисобот-сайловлардан бу йил қандай хулосалар чиқариб олинади?

— Бу жуда тўғри савол. Аввалги ҳисобот-сайлов йиғилишларида бир қатор тажрибалар тўпланди. Уларда коммунистларнинг мутлоқ кўпчилиги тўла-тўкис қатнашди. 80 дан зиёд муҳим фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг амалга ошиши ишлаб чиқаришга илҳомбахш таъсир кўрсатди. Коммунистларнинг активлиги кучайди. Бу йилги ҳисобот-сайлов кампанияси ниҳоятда масъулиятли бир даврда ўтмоқда. Барча ишларни тубдан қайта қуриш, кишилар психологиясида ўзгариш ясаш, партиямизнинг ўртага қўяётган катта ва мураккаб вазифаларни корхонамизда изчил амалга ошириш учун кураш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бу масалалар марказий ўринни олади, деб ўйлаймиз. Коммунистлар ҳаётидаги бу муҳим воқеа меҳнат коллективларида уларнинг ролини янада кучайтиришга, қуйи партия звеноларининг обрў-эътиборини оширишга таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳар бир коммунистнинг тартиб-интизомни бузиш ҳолларига қарши муросасиз позицияси, барча етилган муаммоларни партиявий принципиаллик билан ўртага ташлашлари, ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкаларига ишнинг партиявий ташкилотчилик ишларини кучайтириш, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташга, таққид ва ўз ўзини танқид ни янада авж олдиришга қаратишдан иборатдир. Навбатдаги ҳисобот-сайлов партия йиғилишларига тайёргарлик вақтида ишлаб чиқаришнинг муҳим участкаларига коммунистларнинг жойжойига қўйилиши мувофиқлиги яна бир бор таҳлил қилиб чиқилди. Қуйи меҳнат коллективларида партия группалари ишига эътибор кучайтирилди. Ҳа, биз ҳисобот-сайлов йиғилишларидан кўп нарса кутаяпмиз. Уларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ва чиқарилган амалий хулосалар келгусидаги перспектив ва жорий иш планларидан ўрин олади.

— Қайси цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бунга тайёргарлик кўнгилдагидек ўтди?

— Бажонидил айтишим мумкин. Галина Салтикова ва Абдусамад Ёқубовлар етакчилик қилаётган цех партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга раҳбарлик борасидаги фаолиятни сезиларли даражада яхшиладилар. Кўпгина резервларни аниқладилар. Улар ҳисобот-сайлов йиғилиши бошлангунча меҳнат коллективлари, мутахассислар кучғайратини ана шу резервларни ишга солишга сафарбар этдилар. Айниқса, иш вақтини йўқотишларга, иқтисод ва тежамкорликка муҳим эътиборни қаратишаяпти.

Партия группаларида ҳам жонланиш сезилди. Айниқса Нина Качурина, Карим Абдураҳмонов ва бошқалар етакчилик қилаётган партия группалари ишларига собитқадамлик, ҳар қандай масъулиятсизликка қарши қураш, активларга таяниб иш олиб бориш хос бўлиб қолди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтадиган қуйи партия звенолари ўз бурчларн съезддан кейин бошланган катта ва муҳим ишни қатъият билан олиб бориш, туб бурилиш даврида ишларни қайта қуриш, меҳнат коллективларининг ижодий ташаббусини, коммунистлар, барча ишчиларнинг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигини кучайтиришдан иборат эканлигини яхши тушуниб олдилар.

Бизда бу борада барчага намуна бўлаётган цех ва участкалар оз эмас. Масалан, Равиль Гусманович Шокиров етакчилик қилаётган цехда 30 дан зиёд коммунист фидокорона меҳнат қилмоқда. Секретарнинг ўзи ўн иккинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун астойдил бел боғлади. Унинг меҳнат ютуқлари ўз олдига қўйган юксак маррани эгаллашидан далолат бериб турибди.

— Ўтган йилги ҳисобот-сайловлардан бу йил қандай хулосалар чиқариб олинади?

— Бу жуда тўғри савол. Аввалги ҳисобот-сайлов йиғилишларида бир қатор тажрибалар тўпланди. Уларда коммунистларнинг мутлоқ кўпчилиги тўла-тўкис қатнашди. 80 дан зиёд муҳим фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг амалга ошиши ишлаб чиқаришга илҳомбахш таъсир кўрсатди. Коммунистларнинг активлиги кучайди. Бу йилги ҳисобот-сайлов кампанияси ниҳоятда масъулиятли бир даврда ўтмоқда. Барча ишларни тубдан қайта қуриш, кишилар психологиясида ўзгариш ясаш, партиямизнинг ўртага қўяётган катта ва мураккаб вазифаларни корхонамизда изчил амалга ошириш учун кураш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бу масалалар марказий ўринни олади, деб ўйлаймиз. Коммунистлар ҳаётидаги бу муҳим воқеа меҳнат коллективларида уларнинг ролини янада кучайтиришга, қуйи партия звенолари ўз бурчларн съездан кейин бошланган катта ва муҳим ишни қатъият билан олиб бориш, туб бурилиш даврида ишларни қайта қуриш, меҳнат коллективларининг ижодий ташаббусини, коммунистлар, барча ишчиларнинг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигини кучайтиришдан иборат эканлигини яхши тушуниб олдилар.

Бизда бу борада барчага намуна бўлаётган цех ва участкалар оз эмас. Масалан, Равиль Гусманович Шокиров етакчилик қилаётган цехда 30 дан зиёд коммунист фидокорона меҳнат қилмоқда. Секретарнинг ўзи ўн иккинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун астойдил бел боғлади. Унинг меҳнат ютуқлари ўз олдига қўйган юксак маррани эгаллашидан далолат бериб турибди.

— Ҳа, биз ҳисобот-сайлов йиғилишларидан кўп нарса кутаяпмиз. Уларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ва чиқарилган амалий хулосалар келгусидаги перспектив ва жорий иш планларидан ўрин олади.

— Қайси цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бунга тайёргарлик кўнгилдагидек ўтди?

— Бажонидил айтишим мумкин. Галина Салтикова ва Абдусамад Ёқубовлар етакчилик қилаётган цех партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга раҳбарлик борасидаги фаолиятни сезиларли даражада яхшиладилар. Кўпгина резервларни аниқладилар. Улар ҳисобот-сайлов йиғилиши бошлангунча меҳнат коллективлари, мутахассислар кучғайратини ана шу резервларни ишга солишга сафарбар этдилар. Айниқса, иш вақтини йўқотишларга, иқтисод ва тежамкорликка муҳим эътиборни қаратишаяпти.

Партия группаларида ҳам жонланиш сезилди. Айниқса Нина Качурина, Карим Абдураҳмонов ва бошқалар етакчилик қилаётган партия группалари ишларига собитқадамлик, ҳар қандай масъулиятсизликка қарши қураш, активларга таяниб иш олиб бориш хос бўлиб қолди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтадиган қуйи партия звенолари ўз бурчларн съезддан кейин бошланган катта ва муҳим ишни қатъият билан олиб бориш, туб бурилиш даврида ишларни қайта қуриш, меҳнат коллективларининг ижодий ташаббусини, коммунистлар, барча ишчиларнинг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигини кучайтиришдан иборат эканлигини яхши тушуниб олдилар.

Бизда бу борада барчага намуна бўлаётган цех ва участкалар оз эмас. Масалан, Равиль Гусманович Шокиров етакчилик қилаётган цехда 30 дан зиёд коммунист фидокорона меҳнат қилмоқда. Секретарнинг ўзи ўн иккинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун астойдил бел боғлади. Унинг меҳнат ютуқлари ўз олдига қўйган юксак маррани эгаллашидан далолат бериб турибди.

Суҳбатни Ҳ. ИКРОМОВ ёзиб олди.



КПСС аъзоси, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденининг кавалери Николай Байдиков узоқ йиллардан бери шаҳримиздаги агрегат заводида самарали меҳнат қилиб келади. Оддий ишчиликдан илғор бригада бошлиғи даражасигача кўтарилган бу меҳнаткаш ишчи ёшларнинг меҳрибон мураббийси ҳамдир. Унинг кўплаб шогирдлари вақтдан ўзмб ишлаб ўзаро социалистик мусобақада ғолиблик қилишмоқда.

СУРАТДА: илғор пайвандчи-слесарь Николай Байдиков иш устида.

Шаҳримиздаги экскаватор ремонти тажриба-механика заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан руҳланган ҳолда мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқда. Сиз суратда мусобақа илғори коммунист Диляра Холидованн кўриб турибсиз. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлган бу илғор ишчи смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.



ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Босмачилар мағлубиятга учрамоқда

КОБУЛ.

АДР хавфсизлик кучлари кейинги бир неча кун ичида Вардак вилояти ва Шинвар округининг бир қанча районларини босмачилардан тозаладилар. Бўлиб ўтган жанглар чоғида ўнлаб босмачи, шу жумладан уларнинг қўрбошилари қириб ташланди. Босмачилар деҳқонларни ур-йиқит қилиб, ҳосилни ўриб-йиғиб олишга қўйишмаётганди.

Бахтар агентлигининг хабарига кўра, қўпдан-кўп қуроллар, шу жумладан учирадиган установкалари бўлган ракеталар, оғир пулемётлар, танк ва пиёдаларга қарши қўйиладиган миналар ўлжа олинди. Ғарбда ишлаб чиқарилган катта ўқ-дори омбори тугатилди. Босмачиларнинг иккита радиостанцияси ҳам хавфсизлик кучлари қўлига тушди. Бу станциялар Покистондаги ғарб махсус хизматларининг ваколатхоналари билан алоқа боғлаб туришга хизмат қиларди.

Деҳлида террорчилик

ДЕҲЛИ.

Номаълум кишилар Ҳиндистон пойтахти марказида кучли бомба портлатдилар. Матбуотнинг хабарларига кўра, террорчилар Баракамба-Роуд кўчасидаги 17 қаватли бино хоналарининг бирига ана шу бомбани қўйиб кетган эдилар. Бу бинода чет эл авиакомпаниялари ва банкларининг ваколатхоналари жойлашганди. Портлаш натижасида бинога катта зиён етди. Бахтли тасодиф туфайлигина бу жиноятда одам нобуд бўлмади. Деҳлида давлат муассасаларини, шаҳар марказий районларини қўриқлаш кучайтирилди, террорчилар қидирилмоқда.

Ҳиндистон пойтахтининг бир қанча районларида миллатга қарши унсурлар диний-жамоа тартибсизликларини чиқарганларидан кейин Деҳлидаги ҳаёт нормал изга туша бошлаган бир пайтда ана шу диверсия қилинди. Ўша тартибсизликлар чоғида кишилар қурбон бўлганди. Маҳаллий сиёсий обзорчиларнинг фикрича, мамлакатдаги осойишталик ва барқарорликни, Ҳиндистондаги турли диний жамоаларнинг вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорликни маъқул кўрмаётган кишилар ана шу террорни амалга оширганлар.

Ливандаги вазият

БАЙРУТ.

Исроил босқинчилари ва уларнинг қўғирчоқ «Жанубий Ливан Армияси»даги гумаштаси «хавфсизлик зонаси» деб аталмиш зона яқинида жойлашган бир қанча аҳоли пунктларини шиддатли тўпга тутдилар. Бир неча киши жароҳатланди, аҳолига каттагина моддий зарар етказилди. Клея қишлоғида ёппасига тинтув ўтказилди.

Кеча партизанлардан бир группаси Байт-Лиф қишлоғи яқинидаги тош йўлда Исроилнинг механизациялаштирилган соқчиларига ҳужум қилди. Босқинчилардан бир неча киши ўлдирилди ва яраланган катта калибрли пулемётлардан ва автомат милтиқлардан ўққа тутдилар.

Шу воқеа муносабати билан Кореяда яраш бўйича ҳарбий комиссиядаги КХДР делегати Жанубий Корея томонига норозилик баёноти йўллади.

Жанубий Кореянинг қуролли иғвогарлиги

ПХЕНЬЯН. ЦТАК агентлигининг хабар қилишича Жанубий Корея ҳарбийлари КХДРдаги Канвондо вилоятининг Пхенган аҳоли пункти жанубидаги демилитаризация қилинган зонада Корея халқ армияси постини автомашина мажақланди. Худди шу куни ватанпарварлар босқинчиларнинг Ал-Хиём районидаги позициясини гранатомётлар ва автомат милтиқлардан ўққа тутиб, битта бронетранспортёрни ва автомашинани йўқ қилдилар.

Байрутни ғарбий ва шарқий секторларга ажратиб турган «Яшил чизиқ» бўйлаб ўтган кунлар мобайнида Ливандаги бир-бирига қарши курашаётган гуруҳлар ўртасида оғир қуроллардан фойдаланиб, шиддатли отишмалар рўй бериб турди. Ғарбий Байрутда номаълум шахслар иккита бомба портлатишди, қурбонлар йўқ.

Телетайп лентасидан

ТОКИО. Япониянинг марказий районлари узра кўтарилган тўфон натижасида расмий маълумотларга кўра, 19 киши ўлган ва 60 дан ортиқ киши жароҳатланган. Бир кунда 400 миллиметрга яқин ёғин тушди. Бу август учун рекорд кўрсаткичдир. Дарёлар тошиб, 70 мингдан ортиқ уйни сув босди, бутун-бутун шаҳарлар ва посёлкалар ташқи дунёдан ажралиб қолди. Минг марталаб кўп ер сурилиши натижасида 100 дан ортиқ бино вайрон бўлди, мамлакат территориясининг анча қисмида темир йўл ва автомобиль қатнови тўхтаб қолди. 16 префектура катта зиён кўрди. Қутқариш командалари бедарак йўқолганларни изламоқда, табиий офат оқибатларини тугатиш билан шуғулланмоқда.

АФИНА. Ўт қўйиб кетиш оқибатида Грециянинг турли районларидаги ўрмонларда қаттиқ ёнғин бошланди. Греция ҳукуматининг расмий вакили бу ерда журналистлар билан қилган суҳбатида шу гапни айтди. Унинг сўзларига кўра, кейинги 36 соат ичида 19 та жойда, шу жумладан Афинадан сал наридаги ўрмонзорларда, Крит ва Скиатос оролларидаги, Салоникн ва Пелопоннес ярим оролидаги ўрмонларда ёнғин чиққан. Ўтган душанбанинг ўзидагина 1215 гектар ўрмонзор ёниб кул бўлган. Маъмурлар ёвуз ниятли кишиларни ушлаш чораларини кўрмоқдалар. Қаттиқ шамол бўлиб турганлигига қарамай махсус ўт ўчириш командалари армия бўлинмалари ва маҳаллий аҳолининг мадади билан кўпчилик ерларда ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлинди. Ҳар йили Грецияда ёнғин натижасида 26 минг гектарга яқин ўрмонзор ёниб кул бўлади.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Рио-де-Жанейродан 200 километр шимоли-ғарбда рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 12 киши ҳалок бўлди, 28 киши оғир яраланди ва майиб бўлди. Йўловчилар тушган автобус катта тезликда кетаётиб, тош йўл эстакадасидан чиқиб ғовни бузган ва 9 метрдан ошиқ баландликдан ерга қулаб тушган. Йўл полициясининг хабар беришича, шоферининг эҳтиётсизлиги мана шу авариянга сабаб бўлган. У автобусни белгиланган тезликдан анча ошириб ҳайдаган ва уни бошқаролмай қолган.

Етти ёшли билимдон

«Баъзан менга ўғлим учун бажариб бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқдек туюлади» дейди Эссен шаҳрида истиқомат қилувчи Ў. Джоука етти ёшли Ники ҳақида. Ғарбий Германиянинг «Кельнер экспресс» газетаси у бир ярим яшарлигида алифбени билган, етти ёшида эса тутилмасдан ўқий олган, бир йилдан кейин Ники врач отасига таваллуқли бўлган биология бўйича илмий адабиётларни ўрганишга киришган, деб ёзади. Ҳозирги пайтда у техника билан қизиқаяпти ва ғоятда мушкул саволлар билан ойисини қийнаётган экан. Ўзи ҳам шу соҳада ишлаш ниятида эканлигини айтган. Ўғлининг ҳар бир саволига жавоб топишга ҳаракат қилаётган ота-она ҳам ўзларини ўнглаб олишга ҳаракат қилаётган экан. Ўзи ҳам шу соҳада ишлаш ниятида эканлигини айтган. Ўғлининг ҳар бир саволига жавоб топишга ҳаракат қилаётган ота-она ҳам ўзларини ўнглаб олишга ҳаракат қилаётган экан.

Ер курраси бўйлаб.

Ҳаво шарида сира қўнмасдан ер курраси бўйлаб учиб ўтиш мумкинми? Ҳаво шарида 79 та рекорд натижа кўрсатган ва энг юксакликка кўтарилишга муваффақ бўлган 42 ёшли инженер-электрик, инглиз ҳаво учувчиси Жулиан Нотт бу саволга жавоб беришга ҳаракат қилмоқда. У бунинг учун 14—20 кун лозим бўлади деб ҳисобламоқда. Нотт бу саёҳатни Австралияда бошлаб, шу ерда якунлаш ниятидадир.

ЗАМОНАВИЙ ЁТОҚХОНАЛАР

Юнусобод массивининг 16-кварталида ҳар бири 240 ўринли учта ётоқхона биноси қурилиши планлаштирилган эди. Яқинда бу бинолардан бири фойдаланишга топширилди. Ҳозирда унда тамаки фабрикаси ишчилари истиқомат қилишмоқда. Қурувчилар иккинчи ётоқхона биносини ҳам муддатидан илгари қуриб битказиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Ҳозир унда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Ётоқхонада барча қулайликлар мавжуд. Ҳар бир хонада 2—3 киши истиқомат қилади. Улар учун махсус буфет ва ошхона ишлайди. Лойиҳачилар ётоқхоналарнинг ертўла қисмидан ҳам унумли фойдаланиш йўлини топдилар. Бу жойдан маданий-оқартув секциялари, дам олиш хоналари ўрин олган.

Шу кунларда бош пудратчи — «Главташкентстрой» 4-трест, 19-қурилиш бошқармасининг Василий Черников бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари учинчи ётоқхона биносида монтаж ишларини олиб боришмоқда.

Коммунистлар анжуманига бағишлаб

«Мелодия» Бутуниттифоқ фирмасининг коллективи партия XXVII съездининг овозли йилномасини яратиш соҳасидаги ишларни ниҳоясига етказдилар. «Совет коммунистларининг XXVII съезди» альбомига киритилган ҳужжатлар КПСС XXVII съездининг партия ва халқ ҳаётидаги тарихий аҳамияти, мамлакатни соцнал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ва планетада тинчликни сақлаб қолишга қаратилган йўлнинг моҳиятини очиб беради.

Грампластинка ёзуви КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладининг асосий қоидалари, янги таҳрирдаги партия программаси ва КПСС Уставидаги ўзгаришлар билан, съезд делегатлари ва меҳмонларининг нутқлари билан таништиради. Тақдим этилган материалларда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепцияси ўз ифодасини топган.

Ҳужжатлар, съезд делегатларининг фикр-мулоҳазалари ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш — меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларини жорий этиш, маҳсулотни бутун чоралар билан тежаш ва иқтисод қилиш, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, уюшқоқлик ва интизомни янада ошириш, хўжалик механизмини қайта қуриш ҳисобига ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг асосий йўлларини очиб беради. Альбом саҳифаларида шлифовкачилар бригадири В. Алешников, тўқувчи В. Плетнева, колхоз раиси Ю. Терешченко, тракторчи аёл Н. Геллерт ана шу энг муҳим масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

Тарихчилар, журналистлар, овозни ёзиб олиш мутахассисларининг биргалиқда олиб борган мана шу ишларида партиянинг ташқи сиёсий йўлини, СССРнинг тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таъминлашга оғишмай амал қилаётганлигини акс эттирувчи материалларга катта ўрин берилган.

(ТАСС мухбири).

Республикамизнинг бош кўргазмасида



Янги экспозиция

Ҳозир айни дам олиш мавсуми. Йил бўйи тер тўкиб меҳнат қилгандан кейин ҳар бир киши денгиз бўйи ёки тоғ ён бағриларига бориб дам олишни хоҳлайди. Баъзилар эса республикамизнинг турли областлари бўйлаб саёҳатга отланишади. Шунинг учун ҳам шу кунларда темир йўл ҳамда автовокзал кассалари олдида тумонат одам тўпланади. Билет олиш учун узундан-узоқ навбатда турган кишиларнинг вақтини тежаш, билет сотувчи кассирларнинг меҳнатини янада унумли қилиш мақсадида қандай чора кўриш мумкин? Худди ана шу саволга Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Марказий» павильонида очилган янги тематик экспозиция жавоб беради.

Кўргазмадаги стенд, экспонат ва рангли фотосуратлар Тошкент, Наманган, Андижон ва Самарқанд шаҳарларидаги автовокзалларда жорий этилган янги система ҳақида ҳикоя қилади. Янги усул бўйича кассир йўловчига билет сотиш билан бирга телефон орқали йўл варақасини тўлдирувчи операторга маълумот беради. Автобус йўловчиларининг билетларини расмийлаштириш каби бир қанча жараёнларни оператор мавжуд техника воситалари ёрдамида бир зумда бажаради. Кассирнинг ана шу ишларни бажариш учун кетадиган вақти тежалади. Шундай қилинганда турли йўналиш бўйича кетаётган йўловчи хоҳлаган кассасига мурожаат қилиб, энг қисқа вақт ичида билет олиш имкониятига эга бўлади.

Йўл варақаси тўлдирувчи операторнинг иш ўрни замонавий техника воситалари, икки томонлама алоқа, ведомостларни сақловчи махсус яшиклар, «Сула», «Ока» каби босма аппаратлари билан жиҳозлангандир. Янги усулнинг характерли томони шундаки, уни жорий этиш учун автовокзални қайта реконструкциялашни, ортиқча маблағ сарфлашни талаб этмайди. Иқтисодий самарадорлик эса аввалги усулга нисбатан икки баробар юқори бўлади. Илгари кассир маълум вақт ичида беш кишига билет сотган бўлса, энди шу вақт ичида 10—15 кишига хизмат кўрсата олади.

Мазкур усулни XII беш йиллик охиригача республикамизнинг барча шаҳарларида қўллаш кўзда тутилган. Республикамиз олимлари йўловчиларнинг вақтини тежовчи янада такомиллашган усуллар яратиб, уни авиа ва темир йўл кассаларида ҳам қўллаш устида актив иш олиб боришмоқда.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1990 ва 2000 йилларгача бўлган Асосий йўналишларида «Илғор техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш, юк ташиш ҳамда бошқа техника воситаларини янгилаш жараёнини тезлаштириш, хом ашё, техника ва ремонтлаш базасини мустаҳкамлашга асосий эътибор берилсин. Юк ташишнинг илғор усуллари кенгроқ қўлланилиб, контейнерлар ёрдамида ташилаётган юк ҳажми 1,4—1,5 баробар орттирилсин. Юкларни ортиш ва тушириш жараёнини комплекс механизациялаштирилсин»,— деб алоҳида таъкидланган. Кўргазманинг навбатдаги бўлими асосий йўналишлардан келиб чиқадиган вазифаларнинг қай тарзда амалга оширилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Ҳозирги кунда республика темир йўл транспортини автоматик тарзда бошқарувчи автоматлаштирилган система комплекс планлаштириш, йўл ишларининг рўйхат ва анализи каби 40 дан ортиқ жараёнларни бажармоқда. Мазкур система ЕС—1035 типидаги ҳисоблаш техникаси, махсус алоқа телефонлари ҳамда Т—63, Ф—1100 типидаги телеграф аппаратлари билан жиҳозланган-дир. Автоматлаштирилган система поезд, вагон ва контейнерларнинг станциялардан ўтиши, юкларнинг станцияга келиши ҳамда уларнинг тушириб олиниши, юк эгаларига ўз вақтида информация берилиши, юк қабул қилувчи станцияларнинг аниқ график асосида узлуксиз ишлашини таъминлайди. Натижада темир йўл пунктлари ҳамда тақсимловчи станциялардаги иш унумдорлиги икки баробар ошиб, вақтдан самарали фойдаланилади. Шу билан бирга олинадиган иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг бошқа участкаларига сафарбар этилган ишчилар ҳисобига бир неча минг сўм га ортади.

Кўргазманинг навбатдаги бўлимида шаҳар маршрутлари бўйлаб қатновчи автобуслар иш жараёнини икки томонлама назорат қилувчи янги система ҳақида маълумот берилади. Марказий диспетчерлик станциясида ўрнатилган қабул қилувчи ва информация узатувчи аппаратлар маршрутдаги автобусларнинг аниқ миқдори, ҳайдовчи орқали эса пассажир ташишнинг сифати ҳақида аниқ маълумот олиб туради. Информация «Лен—В», «IP21B3» каби радиоалоқа станциялар орқали етказилади. Марказий диспетчерлик станциясида қайта ишланиб ҳисоблаш машиналарига узатилади. Натижада диспетчер маршрутдаги ҳар бир автобуснинг қаерда ва қандай иш бажараётганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиб, зарур бўлганда автобусларни бир йўналишдан иккинчи йўналишга ўтказиш ҳақида буйруқ бериши мумкин. Бу эса пассажирларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда мавжуд транспорт воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Икки томонлама назорат қилиш системаси транспорт воситаларининг доимий қатновини 8—15 процентга, йиллик пассажир ташиш миқдорини 10 процентга ошириб, йўловчиларни бекатда автобус кутиш вақтини қисқартиради. Мазкур системани ишлаб чиқаришга жорий этишдан кўриладиган йиллик иқтисодий самара 36 минг сўмни ташкил этади.

Экспозицияда юк ташиш жараёни самарадорлигини оширувчи яна бир янги усул ҳақида ҳам кенг маълумот берилган. Мазкур усулга кўра мавжуд юк ташиш автомашиналарининг ҳайдовчилари билан маршрут бригадири орасида радиоалоқа системаси ўрнатилади. Натижада бригадир радиоалоқа орқали юк ташиш ишларининг бориши сифати билан доимий ахборотга эга бўлади. Ўз навбатида маршрут бригадири билан бошқарма орасида ҳам алоқа ўрнатилган бўлиб, ҳаракатдаги транспорт воситаларини бошқа объектга ўтказиш ёки турли бошқа буйруқлар тезда амалга оширилади. Натижада юк ташувчи транспорт воситаларининг юксиз юриш йўли қисқаради, иш жараёнида пайдо бўлган баъзи муаммолар оператив ҳал этилади.

Транспортда илғор усулларни кенг қўллаш ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур кўргазма бир ой давомида намойиш этилади. Унинг замирида илмий конференция, семинар ва илғор тажриба мактаблари машғулотлари ўтказилади. Ўйлаймизки, бу илғор тажрибалар билан кўргазмага келувчи минглаб мутахассислар танишиб чиқади ва яқин кунлар ичида бу усул республикамиз автокорхоналари бўйлаб кенг ёйилади.

Қ. ЭРДОНОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ахборот маркази ходими.

Олимлар лабораторияларида

Вакцина катализатори

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биохимия институтининг олимлари ишлаб чиққан метод организмнинг ўзини ҳимоя қилиш қобилиятини камайтиришга ва паррандаларнинг ньюкасл касаллигидан нобуд бўлишига йўл қўймасликка ёрдам беради. Бу республиканинг паррандачилик корхоналари ва фермаларида энг кўп тарқалган касалликлардан биридир. У уч-тўрт кун мобайнида кўпчилик паррандани нобуд қилиб юбора олади.

Товуқларда бу касалликка қарши иммунитетни кучайтирувчи вакцина ихтиро этилиши билан парранда боқувчилар ҳурсанд бўлдилар. Лекин бунга ҳали эрта экан. Жўжалар очиб чиққанидан кейин уларни уч марта эмлаб чиқишга тўғри келарди. Бу нарса қимматга тушар, машаққатли ва энг муҳими эса унча самарали эмасди: касал юқиш хавфи йўқолиб кетмасди. Бир неча ойдан кейин товуқ яна эмланарди.

Институтда синовдан ўтган препарат нима учун бунчалик секин таъсир этиши тўғрисида бош қотиришди. Шунда иммун системалар эмлашдан сўнг 21 кун ўтганидан кейингина ишга тушиши маълум бўлди. Касаллик илгарироқ рўй берган бўлса, организм ҳали курашга тайёр бўлмайди. Шундай қилиб ҳодиса механизми равшан бўлди-қўйди.

Энди вакцина таъсирини тезлатувчи катализатор керак эди. СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг иммунология институтида яратилган препарат шундай бўлди. Тошкентлик олимларнинг таклифларига мувофиқ у паррандалар эмланганидан кейин берилади. Шундай қилиб, иммунитет уч куннинг ичида энг юқори даражага эришади.

Асфальт-бетондан... уйлар

Тошкент политехника институтининг олимлари асфальт-бетондан уй қуришни таклиф этдилар. Улар қўлланиладиган модда рецептини тузиб чиқдилар. Бу модда хоссалари олдиндан белгиланган материал олишга имконият яратди. Масалан, пишиқлиги, иссиққа чидамлилиги оширилган материаллар яратиш мумкин эди. Бундай асфальт-бетондан йиғма буюмлар, конструкциялар тайёрлаш мумкин.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра бу янгиликни қўллаш қурилишни арзонлаштиришга, уй-жойлар ва бошқа объектларни қурилиш индустриясининг доимий базаларидан анча олисда қуришга имкон беради. Чунки асфальт-бетон заводини ҳар қандай жойда бунёд этиш мумкин.

(ЎзТАГ мухбирлари).

Ёғочдан автомобиль

«Автокар» — инглиз конструктори Энтони Хогарт ўз ихтиросини шундай номлади. Унинг ёғоч автомобили қутб доирасидан то экваторгача ўтказилган синов пойгаси муваффақиятли тугади. Старт Швеция шимолида берилиб, Кения пойтахти Найробида финишга етиб келди. Двигателидан ташқари кўп оғирлик тушадиган шассиларигина металлдан тайёрланган. Машинанинг қолган барча қисмлари чириш ва термитларга қарши махсус аралашма билан ишлов берилган ёғочдан ясалган.

Конструктор ўз машинасини ўрмонларга бой Африка мамлакатларида ишлаб чиқаришга мўлжаллаган. Унинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш технологияси жуда содда.

Бўстон

Бу бўстон саҳнида
Гул кўп, лаҳлаҳ кўп...
Алишер Навоий

- Санъат шайдоларига
- Ҳаваскорлар ижодидан
- Ҳажв дафтаридан.

ИНСОН МАДҲИ

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазмалар залида рассом Георгий Чиганов асарлари муваффақият билан намойиш этилмоқда. Бу ерда мусаввирнинг юздан зиёд турли хил жанрларда яратган асарлари — линогравюралар, график ишлари санъат шайдоларн эътиборига ҳавола қилинган.

Рассомнинг «Ўзбекистон ёшлиги» (1962—1970 йиллар) номли линогравюралар туркуми айниқса диққатга сазовордир. Унинг график ишларида кўзга ташланиб турган энг муҳим нарса бу Муносабатдир. Рассомнинг она юртга, одамларга, ўтмиш ва бугунги кунга Муносабати. Бугунги фаровон ҳаётимиз учун жон берган, фидо бўлган оталар жасорати, эзгу кечинмалар, ҳаётга, меҳнатга муҳаббат туйғулари рассом учун биринчи галдаги вазифалардир. Шунинг учун унинг «Илк ҳарф», «Сўнгги томчилар», «1941 йил. Шум хабар» сингари асарлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Г. Чиганов китоб графикаси бўйича ҳам ўзига хос янгиянги асарлар яратмоқда. Эдуардас Межелайтиснинг «Инсон», Расул Гамзатовнинг «Юксак юлдузлар» сингари китобларига ишлаган суратлари рассомнинг тасаввури кенглиги, дунёга ҳам, инсонга ҳам бор бўйи-басти билан қараётганидан далолат беради.



СУРАТЛАРДА: Г. Чиганов нинг «Она» ҳамда «Олтин куз» номли асарлари.

УРУШНИНГ СЎНГГИ ҚУРБОНИ

Оқ шеър

Украиналик тракторчи А. Проченко ер ҳайдаётганида уруш пайтида қолиб кетган минанинг портлашидан ҳалок бўлди.

Қирқ биринчи йилнинг баҳори
Қўрғошинлар экилди ерга.
Миналар экилди...
Бир минг саккиз юзу йигирма учта
календардан учган зар варақларни
қоп-қорага бўядинг уруш.
Илма-тешик изинг бордир ҳар бир
буюмда.
Қурбон излаб чиқмоқ бўласан
саҳнага сен қари актёрдек,
ҳар гал ўзга-ўзга кийимда.
Қирқ йилдирки бермоқда «ҳосил»
сен экқан уруғлар —
ажал уруғлари.

***

Юрагимни эритгудайин
Нафасингни туя олмадим.
Соғиндим мен, соғиндим, аммо
Висолингга тўя олмадим.
Беҳуда ишқ, дединг сен кулиб,
Ишқни ташлаб қўя олмадим.
Қалбим кулга айланган эди,
Ундан ортиқ куя олмадим.
Сўнг кўчада сени жуфт кўрган
Кўзларимни ўя олмадим.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ,
студент.

Масофа

Нетай, хатларимга ёзмадинг жавоб,
Кунларни ўтказдим илҳақ ва тушдай.
Исмингдан бошланган шеърларим менинг
Бағримга қайтишди ярадор қушдай.
Гўзал сукутингнинг маъноси недир?
Соҳир боқишларинг фусункор бунча?
Юрагим титрайди, балки сен, малак,
Ўзга бир булбулга очилган ғунча?

Абдураҳмон АКБАРОВ,
Н-қисм солдати.

Чавандоз сўзи

Бедов отлар севмас хўрликни,
Қўлдан-қўлга ўтиш уларга ўлим.
Уддалай олмасанг суворийликни—
Яхшиси, вақтида ўзгартир йўлинг.

Очил ТОҲИРОВ.

Нима қилай?

Ҳажвия

Сўнгги пайтларда бу ҳақда кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Барибир минг ўйлаганим билан сира ўйимнинг охири кўринмайди. Шунда «азалдан пешонамга тегизиб ялаб кўраман: ҳамиша бир хил таъм сезаман-шўрга ўхшаган. Чўчиб кетаман, тушкун ўйлар кўнгилни вайрон қилади. Нега омадсизман-а? Нега?! Балки сиз айтарсиз...

Ҳаммасига бошдан-бош сабаб одамларнинг кўзига юввош, мўмин-қобил бўлиб кўринишимдамикан-а? Бўлмаса оёғида базўр турган маст ҳам нуқул мендан йўл сўрармиди? Тутоқиб кетаман. Нима, мендан бошқа одам қуриб кетибдими? Нега бошқалардан сўрамай, келиб-келиб мендан сўрайди. Кўзимга дунё дўппидек тор кўриниб кетади.

Серқатнов кўчада ҳайронликдан кўзлари олма териб турган одамларга ҳам мен бечора нишон. Шошаётганимни айтсам, улар хира пашшадек баттар ёпишади: жон ака, бир оғиз сўз, илтимос...

Қўлларидаги шапалоқдай қоғозда беўхшов ҳарфлар билан ёзилган адрес. «Қандай бориш керак?» Жоним ҳалқумимга келади.

Чекмайман. Аммо ширакайф безорилар ҳам доим менинг йўлимга арра: гугурт бормн, сигаретдан чўз... Қани энди бу тирранчалар тўғриликча «йўқ»қа тушунишса. Ширадай ёпишиб, одамни хит қиладн Уларга чекмаслигимни тушунтиргунча тамом бўламан...

Фамилиядан ҳам омад «чопган»: Бўриев! Қаерга борсам биринчи кундан «Сенимн, шошмай тур» лақабини оламан. Шунда телевизорни чиқарганлардан ҳам, қўғирчоқларнинг ҳар ерларига чўп суқиб, ип ўтказиб ўйнатадиганлардан ҳам, йўлбарсу-арслон қолиб фильмга шу бўрини қахрамон қилиб мультфильм ишлаганлардан ҳам ҳафа бўлиб кетаман.

Тунов куни чойхонадаги ўтиришдан келаётиб кўнглим ўксиб йўлда бир болага дардимни айтсам, у далда бериш ўрнига: «Э, ака, шуниям билмайсизми, бўри қўён гўштини яхши кўради-да» дейди зумраша. Шу фамилиямни деб неча марта квартирамни, неча марта иш жойимни алмаштирдим, бироқ аҳвол ўша-ўша... Бунинг устига хотиним ҳам уришганда юзимга солади. «Бўрн, Бўри, Бўриев». Энди, фамилиямни ўзгартирсаммикан, деб яқинда паспорт столида ишлаётган жўрамга маслаҳат солсам у роса кулди. Мен уни жўра деб, одам деб...

Хуллас, шунақа гаплар. Айтаверсам адоғ бўлмайди. Нима қилай? Балки сиз айтарсиз!..

Адҳам ДАМИНОВ.

Санъатнинг сеҳрли олами

Буюк рассомга бағишланди

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи илмий ходими, санъатшунос Н. Обидова голланд машҳур рассоми Рембрандт Гарменс ван Рейн туғилган кунининг 380 йиллигига бағишлаб унинг ижоди ва ҳаёти ҳақида лекция тайёрлади.

Яқинда «Рембрандт ижоди ва ҳаёти» мавзуидаги лекцияда икки юздан зиёд тингловчи иштирок этди. Унинг «Автопортрет», «Эшик олдидаги тиланчилар», «Ношуд ўғлининг қайтиши» каби асарлари санъат мухлисларида қизиқиш уйғотди. Шунингдек, музейнинг Голландия санъати залида намойиш этилаётган Рембрантнинг ягона асари «Автопортрет»и ҳам томошабинларга яхши таассурот бераётир. Бу «Автопортрет»да рассомнинг ёшлиги тасвирланган.

М. АҲМЕДОВ.

Чанг тароналари

Республикамиз композиторлари ижодида ўзбек миллий халқ чолғу асбоблари ижросига мослаб ёзилган асарлар ҳам талайгина. Ўзидан шўхчан ва майин оҳанг таратадиган чангда ижро этиладиган куйлар ҳам музика шинавандаларига манзур бўлмоқда.

Кейинги вақтда бундай жозибадор асарлардан бир нечтаси яратилди. Таниқли бастакор И. Ҳамроевнинг «Оркестр билан ижро этиладиган иккинчи чанг концерти» асари ҳам тингловчилар томонидан илиқ қарши олинди. Истеъдодли санъаткор Н. Зокиров ижодига мансуб «Концертли фантазия» деб номланган асар ҳам чангчилар ижросида янграмоқда.

Бу ҳар иккала асар Тошкентдаги Ҳамза номли музика билим юртида яқинда ташкил этилган «Чанг тароналари» деган кеча концерт программасига киритилди.

С. ОДИЛОВА.

Янги ташкил қилинган ўзбек давлат сатира театри Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» асарини саҳналаштириш билан ўзининг ижодий таржимаи ҳолини бошлади. Спектаклни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театрнинг бош режиссёри Носир Отабоев саҳналаштирди. Бу спектакль текинхўрлар ва кўзбўямачиларга нисбатан аччиқ заҳарханда, шунингдек қудратли нафрат туйғуси билан суғорилгандир. Унда жонли персонажлар орқали инсоннйликка ёт иллатлар фош этилади.

СУРАТДА: спектаклдан кўринниш.

А. Рисқиев фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳунармандчилик буюмлари намойиш этилмоқда

Қадим замонлардан бери ўзбек амалий санъат ва ҳунармандчилик буюмлари умумжаҳон маданияти тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиб келмоқда. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида очилган «Ўзбекистон халқ ҳунармандчилиги» кўргазмаси фикримизнинг далилидир.

Кўргазмадан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари ва Совет ҳокимияти йилларида халқ усталари ижодига қилган буюмлар ўрин олган. Кўргазмага XIX аср охири XX аср бошларида қўлда тўқилган ип-газламалар, шойи матолар, бахмал, атлас, кимхоб, баноpас, беқасам, шойи, атлас, канаус, ярқўя намуналари, Бухоро зардўзлик либослари, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Пискент ва бошқа жойларда тикилган палак, чойшаб, гулқўрпа, дўппи ва бошқа каштачилик намуналари қўйилган.

Кўргазмада халқ ҳунармандчилигининг мисгарлик, кулолчилик, чилангарлик, оҳангарлик, ёғочсозлик, тошгарошлик ва бошқа касбларга оид фоторасмлар, буюмлардан намуналар берилган. Бу бўлимларга қўйилган рассомлар П. П. Бенковнинг «Мирзо», Й. Турсунназировнинг «Ҳижрон», Х. Раҳмоновнинг «Мешкобчи», М. Набиевнинг «Эски мактаб», З. Фахрутдиновнинг «Тунукачи», «Бешикчи», «Тароқчи» каби мой-бўёқ картиналарида ўша давр ҳаёти акс эттирилган.

Кўргазмада ҳозирги замон халқ усталари ва улар ясаган амалий санъат буюмларига кенг ўрин ажратилган. Республикамизда халқ усталарининг «Уста» бирлашмаси ташкил қилинди. Кўргазмадан ўрин олган талантли рассом Қодиржон Аҳмедов томонидан чизилган «Ўзбекистон халқ усталари» сериялн рангли литографияларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

К. ТУРСУНАЛИЕВ,
Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фонд бўлимн мудири.



«Соҳил гўзали».

В. Бектуганов фотоэтюди.

Инсон ва табиат

Тошкентнинг яшил «қариялари»

... Бу дарахтларнинг ҳар бири Тошкент ҳақида ажойиб воқеаларни сўзлаб бериши мумкин эди. Юз йил аввал бу дарахтларнинг соясида дастлабки файтонлар юрган, сал кейинроқ эса бунгача кўз кўриб қулоқ эшитмаган конкалар гумбурлаб ўтган. Бу дарахтлар Тошкент пролетариати намойишларининг, чор Россиясининг қолоқ чеккаси бўлган ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилиши учун олиб борилган қизғин жанглларнинг унсиз гувоҳларидир. Соя-салқин хиёбонлардан қизил гвардия ўтган. Улуғ Ватан уруши фронтларига жўнаётган батальонлар шаҳдам қадамлар билан юрган. Яшил «қариялар» соясида жаҳондаги биринчи телевизион тасвир олинган эди... Бу дарахтлар бизнинг ғуруримиздир. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг ходимлари пойтахтнинг яшил ёдгорликлари каталогини тузиб чиқдилар. Бунга тарихий аҳамиятга эга бўлган дастлабки юз дарахт киритилган.

...Карл Маркс кўчаси, Горький номидаги маданият ва истироҳат боғи, Октябрь инқилоби хиёбони, Гагарин хиёбони. Бу жойлар ҳар бир тошкентлик учун азиздир. Республика пойтахти аҳолисининг неча-неча авлоди асрий эман дарахтлари соясида жазирама иссиқдан сақланганлар, олтин куз дамларида эман мевалари ёмғири остида югуриб ўтишган.

Каталокка киритилган дарахтларнинг аксарияти 1875—1883 йилларда ўтказилган. Айнан шу йилларда Тошкент марказий шаклланган эди. Эман ва қарағайлар шаҳарнинг киборлар яшайдиган қисмида: ҳозир Горький номидаги маданият ва истироҳат боғига айланган шаҳар боғида, Революция хиёбонига айланган Константинов хиёбонида, ҳозирги Биринчи май кўчаси —собиқ Куропаткин кўчасида ўтказилган. Бу дарахтларни бегубор ва гўзаллиги учун танлашган. Собиқ шаҳар боғи шу нуқтаи назардан қизиқарлидир. Ўтган аср охирида, ҳозирги аср бошларида бу ерда дастлабки туркистон кўргазмалари, саноат, қишлоқ хўжалик, фотосуратлар кўргазмалари ўтказилди. Экспонатлар орасида... анъанавий рус услубида ўтказилган жўка хиёбонлари, инглизчасига тарқоқ, бир қарашда тартибсиз экилгандек кўринадиган дарахтлар ҳам бор эди.

Тошкент жўкалари, қарағайлари, эманлари оташин революционерлар, буюк маданият арбобларининг тарихи, биографияси билан чамбарчас боғлиқдир.

... Гоголь кўчаси билан Совет кўчаси туташган жойда ноёб конструкциядаги бино бор. Бу собиқ жамоатчилик йиғилиши биноси, ҳозирги кунда «ВЛКСМ 30 йиллиги «кинотеатри ва республика болалар кутубхонасидир. Бу ерда 1910 йилда буюк рус актрисаси В. Ф. Комиссаржевская ўз санъатини намойиш этган эди. Унинг замондошлари хотираларига қараганда актриса спектаклларидан сўнг шаҳарга оқшом қўнаётган пайтда авж урабошлаган эман ва жўкалар соясида сайр қилишни яхши кўрар эди. Бу дарахтлар Михаил Васильевич Фрунзени, Валериан Владимирович Куйбишевни кўришган. Олтмиш йил муқаддам бу дарахтлар соясида Сергей Есенин ўйчан кезган. Шоирни янги шеърлар яратишга илҳомлантирган ана шу дарахтларнинг гўзаллиги, баргларининг оҳиста шивирлаши эмасмикин?

Биринчи май кўчаси. Узунлиги унча катта бўлмаган бу кўча —Тошкентдаги энг соясалқин кўчалардан эди. Қарағайлар, жўкалар, чинорлар уни ям-яшил либосга ўради. Биринчи май кўчаси фақат шу билангина машҳур эмас. Бу ерда Ҳамид Олимжон, Алексей Толстой яшаб, ижод қилишган. Бу ерда совет адабиётининг олтин фондига кирган асарлар яратилган. Тошкентни бутун қалби билан севган Константин Симонов ҳам бу кўчага тез-тез келиб турган. Улуғвор асрий эман узоқдан кўриниб туради. Жуковский кўчаси, 54 уй. Бу адрес ана шу қудратли дарахт сингари Ўзбекистондан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. 1930, 1934—1936 йилларда бу ерда чехословакиянинг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик яшаб, меҳнат қилган. У Урта Осиё бўйлаб сафаридан қайтгач, дарахт соясида ҳордиқ чиқаришни, келажак ҳақида баҳслашиш, орзу қилишни яхши кўрар эди.

Энди шу дарахтининг шохлари ўлмас «Дор остидан репортаж»нинг муаллифи деразаларига мўралаб турибди.

Тошкентни боғ-шаҳар деб бежиз айтишмайди. Унинг кўчалари, хиёбонлари, проспектлари боғлар ва парклар-нинг ям-яшил либосига бурканган. Шаҳарда 102 турдаги ва 48 оилага мансуб дарахт ва буталарнинг 200 дан ошиқ хили ўсаётганлигини айтиб ўтиш кифоя. Анъанавий қарағай, чинор, қайрағоч ва эманлар билан бир қаторда шаҳарда жуда кўп ғалати ўсимликлар дарахти, йирик гулли Монголия, Америка шумтоли, қоғоз дарахти ва ҳоказолар бор...

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг ходимлари машаққатли ишнинг бир қисмигина бажардилар. Ҳозир эса Тошкентнинг ўсимлик дунёсидаги ниҳоятда ноёб вакилларини қидириш давом этмоқда. Каталокка дарахтзорлар, бутун-бутун яшил массивларни киритиш режалаштирилмоқда. Уларнинг ҳаммаси давлат муҳофазасига олинади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VIII да **Асрга татигулик кун**, 13/VIII да **Отелло**, 14/VIII да **Парвона**.

КИНО

11 АВГУСТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«НИКОҲ САВАТИДАГИ МИЛЛИОН» — **Санъат саройи** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20,50 да, телефон 44-21-34, 44-21-44), **Ватан** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да), **Нунус** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20,45 да, телефон 46-70-69).

«СЎНГГИ ИНДУЛЬГЕНЦИЯ» — **Чайка** (тоқ соатларда).

«АСОВ ШАМОЛ» — **Хива** (21.45).

«БУ ТЕЛБА ДУНЕ» — **Москва** (16, 21.00; телефон 33-05-01), **Фестиваль** (21.45).

«ГАРАЖ» — **Искра** (16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«СЛАВЯНКАНИНГ ХАЙРЛАШУВИ» — **Восток** (18, 20.00; телефон 91-14-61), **Узбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).

«СУДЛАНУВЧИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (16, 18, 20.00), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ТУНГИ ШИВИР-ШИВИР» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ҚАҲРАМОНЛИК УЧУН БИР ДАҚИҚА» — **Санъат саройи** (17,19.30).

«БУ ЕРДА БЕГОНАЛАР БЎЛМАЙДИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда).

12 АВГУСТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«НИКОҲ САВАТИДАГИ МИЛЛИОН» — **Санъат саройи** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.50 да, телефон 44-21-34, 44-21-44), **Ватан** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да) **Нунус** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20,45 да, телефон 46-70-69).

«СЎНГГИ ИНДУЛЬГЕНЦИЯ» — **«Чайка»** (тоқ соатларда).

«АСОВ ШАМОЛ» — **Хива** (21.45).

«БУ ТЕЛБА ДУНЕ» — **Москва** (11, 13.30, 16, 21.00; телефон 33-05-01), **Фестиваль** (21.45).

«ГАРАЖ» — **Искра** (12.30, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«СЛАВЯНКАНИНГ ХАЙРЛАШУВИ» — **Восток** (10,30, 12, 14, 18, 20.00; телефон 91-14-61), **Узбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).

«СУДЛАНУВЧИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (10.30, 12, 14, 16, 18, 20,00), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ТУНГИ ШИВИР-ШИВИР» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ҚАҲРАМОНЛИК УЧУН БИР ДАҚИҚА» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30).

«БУ ЕРДА БЕГОНАЛАР БЎЛМАЙДИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда).

ooo реклама ooo эълонлар ooo реклама ooo

МОТОЦИКЛ — ЁШЛАР ТРАНСПОРТИ!

86-МОТОЦИКЛ ПОЙГАСИ

12 АВГУСТДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МОТОЦИКЛ ПОЙГАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ. ПОЙГА ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ТЕРРИТОРИЯСИ БЎЙЛАБ ЎТКАЗИЛАДИ.

Мотоцикл пойгасининг мақсади — Ватанимиз мотоциклчилик техникасини пропаганда қилиш, аҳолини мотоцикларнинг сўнгги моделлари билан таништиришдир.

МОТОЦИКЛ ПОЙГАСИДА ҚУЙИДАГИ МОТОЦИКЛЛАР ҚАТНАШАДИ:
ВОСХОД 3 М, ИЖ ЮПИТЕР 5,
ВОСХОД 3 М СПОРТ, ИЖ ЮПИТЕР 5 К,
ВОСХОД 3 М ЛЮКС, ИЖ ПЛАНЕТА 4,
ТУЛИЦА, Иж ПЛАНЕТА 4 К,
ШУНИНГДЕК «ТУЛА» МОТОЦИКЛЛАРИ.

Мамлакатимизда тайёрланган мотоцикларнинг ажралиб турадиган фазилати — уларнинг чидамлиги, пишиқлиги, бошқаришда соддалиги, йўл шароитларида инжиқ эмаслигидир.

ИЖ ЮПИТЕР 5 К

Ана шу маркали мотоциклда тортиш-динамик кўрсаткичлари яхшиланган, тежамли двигатель ўрнатилган (аввалги моделларга таққослаганда). Унда шовқин камайтирилган ва совутиш яхшиланган. Айниқса иссиқ иқлимли жойларда кўп юришда қўл келади.

Коляскага кўтарилувчи капот ва багаж қопқоғи ўрнатилган. 120 килограмм оғирликкача юк ташиш учун багажникни тезда мослаштириш мумкин.

ВОСХОД 3 М СПОРТ

Рули спорт услубида ишланган. Эгари яхшиланган.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.

Уйда ва боғда керакли

ТАКОМИЛЛАШГАН УЗАЙДИГАН НАРВОН ХЎЖАЛИК ЮМУШЛАРИДА КЕРАК БЎЛИБ ТУРАДИ. У БОҒДА ИШЛАЁТГАНДА, КВАРТИРА РЕМОНТИДА МАШАҚҚАТНИ ОСОН ҚИЛАДИ. НАРВОННИ УЧ МАРТА УЗАЙТИРИШ МУМКИН. ТЎЛА УЗАЙТИРИЛГАНДА БАЛАНДЛИГИ 3,5 МЕТРГА ЕТАДИ. БУНДАЙ ҲОЛАТДА МЕВА УЗАЁТГАНДА, БАЛАНД ДАРАХТ ШОХЛАРИНИ ҚИРҚАЁТГАНДА ҚЎЛ КЕЛАДИ.

Уй шароитида эса икки марта букланадиган нарвон ишлатиш қулайдир.

Унинг баландлиги 2.5 метрга етади.

Нарвон сақлашда кўп жойни эгалламайди. Йиғилганда узунлиги атиги 1м. 10см. бўлади.

Узайма нарвон баҳоси—25 сўм.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ МАҲСУЛОТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

САНЪАТ МУЗЕЙИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ— мамлакатимиздаги йирик бадиий музейлардан биридир. Унинг коллекциясида қадим замонлардан ҳозирги кун га қадар бўлган санъат асарлари тўпланган. Музей экспозицияларн 50 та залда жойлашган бўлиб, олти бўлимдан иборат. Ўзбекистон халқ амалий-ҳунармандчилик санъати, Ўзбекистон тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъати, Иттифоқдош республикаларнинг тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъати, XV—XX асрлар рус санъати, XVI-XIX асрлар Ғарбий Европа санъати, ҳорижий шарқ мамлакатлари санъати экспонатлари музей залларида намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари музейда мунтазам кўргазмалар ҳам ташкил қилиб борилади, тематик экскурсиялар ўтказилади. Дам олиш куни лекторийси ишлаб турибди. Музейнинг илмий ходимлари ташкилотларда, ишчилар ётоқхоналарида ва ўқув юртлари олдиндан берилган буюртмалар бўйича лекциялар ўқишади. Бундай лекциялар рангли тасвирий фильмлар билан қўшиб олиб борилади.

Лекция ва экскурсиялар учун буюртмалар музейнинг экскурсия-оммавий секторида қабул қилинади. Шу ернинг ўзида машғулотлар тематикаси билан танишиш мумкин.



Справкалар қуйидаги телефон орқали маълум қилинади: 32-73-45.

Музей ҳар куни соат 10.30 дан 18.00 гача очиқ. Душанба куни —соат 15.00 гача ишлайди. Дам олиш куни —сешанба.

Касса музей иши тугашидан бир соат олдин ёпилади.

Музей адреси: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 16-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 22; 25; 28-трамвайлар; 1; 8; 10,16-троллейбуслар; 2, 25, 28э, 60э-автобусларнинг «Санъат музейи» бекати).

Китобсеварлар

диққатига!

43-«НОДИР КИТОБЛАР» БУКИНИСТИК МАГАЗИНИ

ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРНИ

ХАРИД ҚИЛАДИ

БУТУН ДУНЁ ТАРИХИ. 10 томлик. — М. Госполитиздат. Мисль. 1956 й. Баҳоси —100 сўм.

УМУМИЙ САНЪАТ ТАРИХИ. 6 томлик, 8 жилдда. —М. Искусство. 1956-1966 йиллар. Баҳоси —175 сўм.

КАТТА МЕДИЦИНА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ. 36 томлик Баҳоси —200 сўм.

КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ. 30 томлик —М. Совет энциклопедияси. Баҳоси —350 сўм.

БОЛАЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ. 12 томлик. —М. ПРОСВЕШЕНИЕ. 1965-1969 йиллар. Баҳоси —60 сўм.

СОВЕТ ТАРИХИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ. 15 томлик. Совет энциклопедияси. 1961-1976 йиллар. Баҳоси —100 сўм.

В. СОЛОВЬЕВ, Қадимий Россия тарихи. 15 томлик. М. Мисль. Соцэкгиз. 1962-1966 йиллар. Баҳоси —150 сўм.

Е. Тарле. Асарлар тўплами. 12 томлик. М. СССР ФА нашриёти. 1957-1962 йиллар. Баҳоси —60 сўм.

ДАЛЬ. Рус тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. Чет эл ва миллий луғатлар давлат нашриёти. 1953, 1955, 1956 йиллар. Баҳоси —75 сўм.

ПЛУТАРХ. Чоғиштирма ҳаёт талқини. 3 томлик. М. СССР ФА нашриёти, 1961-1964 йиллар (адабий ёдгорликлар). **Баҳоси —75 сўм.**

ПЛАТОН. Асарлар. 3 томлик, 4 жилдда. Мисль 1968-1973 йиллар. Баҳоси —30 сўм.

Н. С. ГУМИЛЕВ. Шеърлар тўпламлари (ҳар қандай).

Л. Э. Брэм. Ҳайвонлар ҳаёти. 10 томлик. «Ижтимоий фойда». 1893-1896 йиллар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 42-уй. Телефон 42-06-36. (7, 8, 11-трамвайларнинг «ГУМ» бекати).

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ

СССР Госстройи ҳузуридаги граждан қурилиши ва архитектура Давлат комитети

Тошкент шаҳридаги зонал илмий-тадқиқот ва турар жой ва жамоат биноларини типовой лойиҳалаш ва эксперименталь лойиҳалаштириш институти

«ТашЗНИИЭП»
1986 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

қурилиш конструкциялари, қурилиш материаллари ва буюмлари (турар жой ва жамоат бинолари учун завод ишлаб чиқариши технологияси), бинолар ва иншоотлар архитектураси — **кундузги, сиртқи бўлим;**

шаҳар қурилиши, район планировкаси, қишлоқ аҳоли жойларининг иқлимий архитектураси ва планировкаси — **сиртқи бўлим.**

Аризалар — 1986 йил 30 сентябргача қабул қилинади.

Имтиҳонлар — 1986 йил 1 октябрдан бошланади.

Ҳужжатларни қуйидаги адресга юборинг: 700000, Тошкент шаҳри, 108-алоқа бўлими, аспирантура бўлими. Телефон: 46-07-60.

ҲУРМАТЛИ ФОТО ВА КИНО ҲАВАСКОРЛАРИ

«СВИТЯЗЬ» КАФОЛАТЛИ РЕМОНТ УСТАХОНАСИ

ССРДА КАФОЛАТ БЎЙИЧА ЧИҚАРИЛАЁТГАН БАРЧА МАРКАДАГИ (ФЭД фотоаппаратидан ташқари) ФОТО ВА КИНО АППАРАТЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛАДИ ВА ТЕХНИКА ХИЗМАТИНИ КЎРСАТАДИ, ШУНИНГДЕК, ЎЗБЕКИСТОН ВА ЎРТА ОСИЁНИНГ БОШҚА РЕСПУБЛИКАЛАРИ ШАҲАРЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДАГИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА СОТИЛАЁТГАН ФОТО ВА КИНО АППАРАТЛАРИНИ СОТУВДАН ОЛДИН СОЗЛАБ, РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРАДИ.

Бизнинг адрес: 700027, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 8-«а» уй. «Свитязь» ателъеси (метронинг «Комсомол» станцияси). Телефонлар: 45-45-53, 45-45-57.

Устахона соат 10 дан 19.00 гача, шанба куни —соат 10 дан 15.00 гача ишлайди. Якшанба —дам олиш куни.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

бирлашманинг телеателъелари, заводлари ва филиалларига радио ва телевизор аппаратураларини ремонтга топшириб ва уларни ўз муддатида олиб кетмаган гражданларга

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,

улар ўз аппаратураларини 15 августгача олиб кетишлари лозим. Кўрсатилган муддатдан кейин даъволар қабул қилинмайди ва аппаратуралар қайтариб берилмайди.

КОНДИЦИОНЕР—МЎЪТАДИЛ ҲАВО

«БК-1500» — 25 квадрат метргача;
«БК-2000» —30 квадрат метргача, «БК-2500» —35 квадрат метргача бўлган ҳажмли хоналарга мўлжалланган.

«БК-2000-Т» — кондиционери совутиш ва иситиш тартибида ишлайди.

СИЗ «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА ЎЗИНГИЗГА КЕРАКЛИ КОНДИЦИОНЕРЛАРНИ НАҚД ПУЛГА, КРЕДИТГА, ПУЛ ЎТКАЗИШ (ташкилотларга) ЙЎЛИ БИЛАН ҲАМ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ЧИЛОНЗОР» ЦУМИ адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 55-уй;

Ишлаш тартиби —соат 9.00 дан 20.00 гача (танаффуссиз).

«ЧИЛОНЗОР» ЦУМИ (телефон 77-13-41).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ИШ БАЖАРУВЧИЛАР, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

Диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗЕЛИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бир қатор районларидан иттифоқ ва республика аҳамиятига эга бўлган муҳим шаҳарлараро алоқа ва радио кабеллари ўтган.

Алоқа линияларини муҳофаза этиш қоидаларига мувофиқ кабель ўтган ерларда ҳар икки ён томонга 2 метр масофада муҳофаза зонаси қолдирилган. Бундай муҳофаза зоналарида ер текислаш, ҳандақлар, шурфлар, котлованлар қазиш, чунончи граждан иншоотлари қурилиши билан боғлиқ барча ишлар фақат келишилган ҳолда, зарурат туғилиб қолган кезларда эса кабель хизмати вакилининг бевосита иштирокида амалга оширилиши лозим.

Бу қоидани бузиб, шаҳарлараро алоқа кабелига шикаст етказган кишилар жиноий жавобгарликка тортилади ва улардан давлатга етказилган зарар ундириб олинади.

Қазиш ишларини бажариш учун рухсатни Халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг архитекторларидан олиш ҳам мумкин.

Жойларда кабель трассаси темир-бетон столбачалар ва огоҳлантириш белгилари билан кўрсатиб қўйилган. Унда кабель участкасининг адреси ва телефон номерлари ёзиб қўйилган.

Кабель муҳофаза зонасида ёки унга яқин ерда ер қазиш ишларини бажариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш юзасидан қуйидаги адресдаги Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение республика узелининг кабель участкасига мурожаат қилинсин: 700097, Тошкент шаҳри, 97-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, 6-квартал, 15-«а» уй. Телефонлар: 78-37-98, 78-16-43, 78-35-10;

713033, Қўқон шаҳри, Советская кўчаси, 58-уй. Телефонлар: 20-11, 22-01.

ССРР Алоқа министрлиги 4-Иттифоқ магистраль алоқалар ва телевидение техника узелининг қуйидаги адресда жойлашган кабель участкасига: 700152, Тошкент шаҳри, 152-алоқа бўлими, Чилонзор массиви В-22 квартал, 11-уй. Телефонлар: 53-20-25, 53-64-14.

Эсингизда бўлсин, магистрал алоқа кабелининг шикастланиши давлатга катта зарар етказади ва ишловчилар ҳаётини хавф остида қолдиради!

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗЕЛИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚИЁҚА МУДДАТЛИ ОШПАЗЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН (ўқиш муддати 11 ой) ва буфетчиларни тайёрлайдиган.

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

(ўқиш муддати 4 ой)

Уларга ҳар ойда 62 сўм ва 55 сўм стипендия тўланади.

Тошкент ресторанлар трести ва ошхоналар трестларига телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин.

Акмал Икромов район ошхоналар трести —76-84-04, 76-49-54.

Киров район ошхоналар трести — 35-42-14, 35-78-73.

Куйбишев район ошхоналар трести — 67-74-07, 67-18-03.

Ленин район ошхоналар трести — 56-17-25, 56-54-36.

Октябрь район ошхоналар трести — 42-43-65, 42-43-90.

Собир Раҳимов район ошхоналар трести —48-64-65, 47-74-95.

Сергели район ошхоналар трести — 58-79-22 58-87-04.

Фрунзе район ошхоналар трести — 55-27-14, 55-27-12.

Ҳамза район ошхоналар трести —91-33-61, 91-39-43.

Чилонзор район ошхоналар трести — 75-54-69.

Тошкент ресторанлар трести —55-70-61, 55-74-61.

Бухоро кооператив техникуми томонидан **Муродов Абдуҳафиз Жабборович** номига берилган 934731 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37, 32-53.83; саноат ва қурилиш — 32-57.84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32.55.39; фан ва маданият — 32.53.10; ахборот ва спорт — 33-28.95; 32-55-32; хатлар — 33.29.70; жамоатчилик редакцияси — 33-99.42, 32.53.66; эълонлар бўлими — 33.81.42.

Р—14060. Газета якшанбадан ташқари ҳар куни, бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. Б—2058. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.